



**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА ОВҚАТ
ТОКСИКОИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК
АСПЕКТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

Гарин Данил

Тауров Мурад

Туркманова Маржона

Илмий рахбар: **Мирзаев Ризамат Зиёдуллаевич**

Тадқиқот мақсади: охириги йилларда Самарқанд вилояти бўйича овқат токсикоинфекцияларининг эпидемиологик аспектларини таҳлилқилишдан иборат.

Тадқиқот материаллари: тадқиқот материали бўлиб, охириги 10 йил ичида Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонасига мурожаат этган беморлар ҳисобланади. Тадқиқот усуллари: анамнестик, клиник ва эпидемиологик.

Тадқиқот муҳокамаси: шу мақсадда 2008-2018 йилларда “Овқат токсикоинфекцияси” ташхиси билан ВЮККШ да даволаниб чиққан беморларнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил этилди. “ЎИИ” ташхиси билан шифохонага ётқизилган беморларнинг 8,5% ни овқат токсикоинфекцияси билан касалланган беморлар ташкил этади. Ташхисэпидемиологик, анамнестик, клиник ва лаборатор текширувлар асосида стандарт бўйича қўйилган. Кузатув остидаги беморлардан 53,7% аёллар, 46,3%ни эркеклар ташкил этади. Беморларни йиллар бўйича кесимини тақсимлаганимизда, 2008 йил-4,4%, 2009 йил-4,6%, 2010 йил 5,8%, 2011 йил 5,7%, 2012 йил 7,9%, 2013 йил 9,5%, 2014 йил 9,6%, 2015 йил 10,9%, 2016 йил



11,8%, 2017 йил 13,9%, 2018 йил 15,9%. Охирги йилларда овқат токсикоинфекцияси касаллигининг кўпайишини овқат маҳсулотлари сифати устидан қилинадиган назоратнинг пасайиши билан боғлаш мумкин. Кузатувдаги беморлар ёши бўйича 14 ёшгача бўлган беморлар (8,8%), 15-19 ёшгача бўлган беморлар (12,5%), 20 – 29 ёш (26,6%), 30-49 ёшгача (36,3%), 50 ёшдан катталар (15,8%) ташкил этди. Кузатувдаги беморлар орасида аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми кўпчиликти ташкил этди (75,4%). Таҳлил давомида беморлар яшаш манзилгоҳларига кўра тақсимланганда, беморларнинг аксарияти Самарқанд шаҳридан мурожаат этганлиги аниқланилди (59,9%). Шифохонага мурожаат қилган беморларнинг 29,9% хорижлик туристлар ташкил этади. 10,2% Самарқанд вилояти туманларидан мурожаат этишган. Касаллик эпидемиологик анамнези сўраб суриштирилганда, касаллик этиологик омили сифатида хот-дог (34,4%), шаурма (11,8%), салат (12,5%), сутмаҳсулотлари (11,2%), ковун-тарвуз (17,8%), 12,3% беморлар кондитер маҳсулотларидан захарланишганлигини кўрсатишган. Беморларнинг аксарият қисмини олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида таълим олаётган талабалар, мактаб ўқувчилари ташкил этади (45,7%). Бу ҳолат айнан шу ёшдаги болаларнинг овқат сифатига эътибор қилмасдан қабул қилишини билдиради. Беморлар орасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳам мавжуд (2,3%). Касаллик структурасида касалликнинг спорадик шакллари нисбатан кам учраган, оилавий ва жамоа тарзида касалланиш кўпроқ учраган (67,8%). Кузатувдаги беморлар бандлиги бўйича тақсимланиши: МТМ тарбияланувчилари-2,3%, мактаб ўқувчилари-12,2%, коллеж талабалари-18,3%, институт талабалари-15,2%, ўқитувчилар-4,6%, мардикорлар-5,6%, бозор ходимлари-7,8%, ҳайдовчилар-4,1%, туристлар-29,9%. Туристлар Сингапур (7,8%), Туркия (13,2%), Гватемала (11,2%), Тожикистон (23,4%), Қирғизистон (3,2%), Ҳиндистон (1,6%), Эрон (7,7%), Корея (1,7%), Қозоғистон-18,7%, Молдавия-11,5% каби давлатлардан ташриф буюришган. Буларда касалликни иқлимий шарт шaroитлар билан боғлаш мумкин. Касалликнинг оғир шакли 19,3% ҳолда, ўрта оғир шакли 54,4% ҳолда, енгил шакли 26,3% ҳолда аниқланилди. Касалликнинг енгил шакли асосан мактаб ўқувчиларида қайд этилди.



Хулоса: Касалликнинг охирги йилларда кўпайишида туристларнинг роли ҳам бор. Самарқанд вилоятида овқат токсикоинфекцияси келиб чиқишида етарли санитария шароитида тайёрланмаган овқат маҳсулотлари сабаб бўлганлиги аниқланди (71%). Бу ҳолат кўчадатайёрланадиган (хот-дог, шаурма) озиқ маҳсулотларини тайёрлаш, уни истеъмоли юзасидан санитар оқартирув ва сифатини назорат қилиш ишларини кучайтириш лозимлигини билдиради. Овқат токсикоинфекциялари асосан ўқувчилар ва талабалар орасида учраганлигини эътиборга олган ҳолда, аҳолининг бу қатлами орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш керак. Госпитализацияга бўлган бирламчи бўғинда (поликлиника, тезёрдам, қишлоқ оилавий пункти, туман шифохонаси шифокорлари) бу касаллик ҳақида етарли маълумот бериш кераклигини билдиради.

Адабиётлар:

1. Азимова, А. А., Абдухоликов, С. Х., & Бозоров, Х. М. (2023). ОСЛОЖНЕНИЕ ГЛЮКОКОРТИКОИДНОЙ ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19. ББК 5я431 М42 Печатается по решению Редакционно-издательского совета Государственного гуманитарно-технологического университета, 18.
2. АЗИМОВА, А. А., & МАЛИКОВ, Д. И. (2022). ПОВРЕЖДЕНИИ МЯГКОТКАНЫХ СТРУКТУР КОЛЕННОГО СУСТАВА И УЛЬТРАЗВУКОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ. МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко, 11(2), 10-13.
3. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., & Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТИРОИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
4. Азимова, А. А., & Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ



ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).

5. Азимова, А. А., & Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).

6. Супхонов, У. У., Файзиев, Х. Ф., Азимова, А. А., & Абдурахмонов, Д. Ш. (2024). СУЩЕСТВУЮТ СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ЛИПОСАКЦИИ, КОТОРЫЕ УСПЕШНО ПРИМЕНЯЮТСЯ ДЛЯ КОНТУРНОЙ ПЛАСТИКИ ТЕЛА. NAZARIY VA AMALIY FANLARDAGI USTUVOR ISLOHOTLAR VA ZAMONAVIY TA'LIMNING INNOVATSION YO'NALISHLARI, 1(2), 18-22.